

4.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Маҳсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурийат бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмашлиғи керак.

5.3. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефт маҳсулотларини танилаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврга) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асосан равишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га танилаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) маҳсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Маҳсулотлар танилаб олинмаган (олиш асосан рад этилган) ҳолларда, «Маҳсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танилаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) маҳсулотлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлиқдир.

5.4. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмашлиғи керак.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

5.6.1. хар бир Томон, шў жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа Томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд миқозларга ва хар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа Томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритиладиган бошқа шахсларга («Иштирокчи Томонлар») моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат тақдирлаш, тақдирлар («Иштирокчи холда, хар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулккий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки хар қандай қиймат кўринишида)) бермаслиқни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақдир қилмаслиқни, бермаслиқни кафолатлайди ва шунга мажбур.

5.6.2. бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция буйича қўлланиладиган Сўёсат ва Қондалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартнома ни бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарин қоплайди.

### 6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зиҳн, кўчки, қурутқочлик ва бошқалар) ёки ихтимойий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамақ, давлат манфаатларини қўзғаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган парронитларда томонларга кабул қилинган мажбурийатларни бажариш имконини бермайдиган фақуллода, олдин олиб қилинган бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг

қабул қилинганлиги туфайли бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўққинчи қилувчи форс-мажор ҳолатларнинг бошланishi ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари буйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қондага кўра, мустақил равишда ёки туман (шахар)лар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этиладиган энгил бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш буйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

### 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома буйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Эзоғи билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган жойдаги иктисодий судга ҳал қилинади.

### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тазначилиги, газначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, газначиликда рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга кирди ва 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар амалда бўлади.

### 9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафининг талаби буйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги туфайли бир томонлама «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартриш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, тарафларда бир нусхадан сакланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик кучга эгадир.

### 10. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реқвизитлари ва имзолари:

«Маҳсулот етказиб берувчи»

Навий шахри, Лермонтов кўчаси 4-уй  
Х/с: 2260400000306107702

«АТБ» Саноатқурилишбанк Тошкент шаҳар Яшнобод филиали

МФО: 00432, СТИР: 200002538

Тел. рақами: Сотиш бўлими 78-770-36-43;

Бухгалтерия 78-770/34-04.

«Истеъмолчи»

Манзили: Навоҳор туман Бобур шох кўча 22-уй  
10002286012230704202170001

Тел. рақами: (79)562-13-45; (99)751-62-02

Марказий банк Тошкент шаҳри

(хизмат кўрсатувчи банк номи)

МФО: 00014

СТИР: 305086902 ХХТУТ: 1712230555

А.Аъзамов

(имзо) (Ф.И.О.)



Ф.Эсанов

(имзо) (Ф.И.О.)

Бухгалтерия

Сотиш бўлими

Юридик бўлим